

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЮРТИМИЗ ОЛМАЛАРИ КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИ

Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган "Олма - 2014" кўрик-танлови иштирокчилари ранго-ранг қандил олмаларни кўриб, баҳри-диллари очилди. Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, институт ҳамда USAID нинг Aglinks Plus лойиҳаси ҳамкорлигида ўтказилган танловга вилоятлардан келган фермерлар ўзлари етиштирган олмаларни тақдим этишди. Айрим навларнинг бир донаси салкам ярим кило тош босса, яна бири саҳий кўш нурларида обдон қизарган.

USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жон Риордан танловни очар экан, юртимизнинг унумдор боғларию бир-биридан ширин меваларига чиройли таъриф берди.

Мазкур танлов учинчи марта ўтказилди, деди Aglinks Plus лойиҳасининг вилоят бўйича координатори Элбек Сулаймонов. - Йилдан-йилга турли олма навлари кашф этилаётган, фермерларимиз танловга янгилар билан келишиб, ўзаро тажриба ва малака алмашишяпти. Дилдан сўхбатлар келгусидида режалар муҳокамасига уланаётир.

Шунингдек, танлов давомида уй шароитида олмадан тайёрланган пишшиқ, ширинлик ва бошқа маҳсулотлар на-



мойиш этилди. Турли фирмалар боғдорчиликда асқотадиган техника, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кураш воситалари билан иштирок этишди. Шу ернинг ўзида шартномалар имзоланди.

Шуни кувонарлики, кўрикда вилоятимиз

фермерлари илғорлик қилишди. Зангиоталик Эркин Усмоноҳжаевнинг олмалари бир қанча номинацияда етакчилик қилди. Олмалари бозорбоп бўлгани учун Оҳангарон тумани "Лаззат Латофат" хўжалиги раҳбари Мухтарам Сайфудинава иккинчи ўринга

сазовор бўлди. Бўстонлик Сейдали Мама-назаров боғида етилган олмалар "Энг ширин" номинациясида ғолиблик қилди. "Энг серсув олма" номинациясида ҳам вилоятимиз фермерлари ғолиб чиқашди. Кўрикдаги "Энг зўр

олма" йўналишида биричи ўринга Зангиота туманидаги "Сардор Назар" фермер хўжалиги раҳбари Абдуҷаббор Тожиёв, иккинчи ўринга яна бир зангиоталик фермер Эркин Усмоноҳжаев, учинчи ўринга Паркент туманидаги "Гулбоғ Бурхон" фермер хўжалиги раҳба-

ри Баҳромали Юсуфалиев лойиқ деб топилди. Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Хурида ТУРСУНБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири,
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНВТО ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ушбу ташрифга ЮНВТО мамлакатимиз билан ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш тарафдори эканининг тасдиғи, деб қарашини таъкидлади. Учрашувда Ўзбекистонда туризмнинг халқаро, экологик, табиий-маданий, тиббий ва бошқа замонавий турларини, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, Буюк Ипак йўли брендини биргаликда тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

ЮНВТО сайёҳлик соҳасида жаҳондаги етакчи институт сифатида маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол қўмаклашиб келмоқда. ЮНВТОга 150 дан зиёд давлат аъзо. Ташкилот кўплаб мамлакатларда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириши ва амалга ошириши.

Бугунги кунда ялпи жаҳон маҳсулотининг 9 фоизи, дунё бўйича хизматлар экспортининг 29 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада 235 миллиондан ортиқ киши иш билан банд. Жаҳонда сайёҳлик хизматларидан тушган даромад ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда ЮНВТО дунёнинг асосий минтақалари бўйича 5 лойиҳани, жумладан, "Буюк Ипак йўли" трансконтинентал лойиҳасини амалга оширмоқда.

1994 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси

мазкур кенг қўламли лойиҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида ушбу ярмарка Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йirik форумига айланди.

Бу йил йигирманчи марта ўтказиладиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси дастуридан қатор муҳим тадбирлар ўрин олган. Ярмарка арафасида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этаётган мазкур мажлисда халқаро туризмни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Сессия Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган.

ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятини яна бир эътирофи бўлди. Бу форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи экспортлари халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратди.

Толиб Рифойи самимий қабул ва сессиянинг юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур миннатдорлик билдириб, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бундан кейин ҳам мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Вилоят сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси У. Абдушохидов бошқарди.

"Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига биноан вилоят Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов 60 та ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан вилоят сайлов комиссияси мажлисида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг тақлифлари кўриб чиқилиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. "Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7 ва 11-моддаларига мувофиқ, сайлов округларининг рўйхати, уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тақвим режасининг амалдаги ижроси муҳокама қилинди.

Ким эдигу ким бўлдик?

Худойберди ТЎХТАБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОҲАНГАРОН БУҒДОЙЛАРИ

Ҳар йилнинг ўзига хос қувонч, хосияти, хислати бор. Ўтаётган Соғлом бола йилининг хосияти ва хислати ҳақида ёзаямиз, яна кўп ёзамиз. Китоблар чоп этаймиз. Яна кўплаб китоблар нашр қиламиз. Мустақилликда босиб ўтган 23 йилнинг ҳақида ёздик, яна ёзаямиз. Ёзувчилар уюшмаси шу мавзуда гўзал бир китоб нашр этди. Китоб-

даги ранг-баранг очеркларни, бир-биридан қизиқарли лавҳаларни, мазмундор шеърларни ўқидик. Жиндек ҳазилнома қилиб айтадиган бўлсак, ҳаётни шу муаллифлардан кам кузатмаганман. Ёзсам, ўшалардан кам ёзмайман, деган бир ёрқин ният кўнглимдан ўтди. Дарҳол ўзим яхши кўрган Оҳангарон тумани кўз олдимга келди.

Бу юртининг таърифларга сизмас гўзалликлари, янгилликлари, ижодкорликлари, яратилган иштиёқи, баланд одамлари ҳақида озми-кўпми ёзганман. Яна ҳам кенгрок қилиб айтадиган бўлсам, 1958-1962 йиллар давомида ўзим яхши кўрган, мени журналист сифатида шакллантирган "Тошкент ҳақиқати" газетасида сайёр муҳбир бўлиб ишлаганлигимга албатта эришимиз керак" деган буюк фикрни ўртага ташлаган

эдилар. Ҳа, ўша йиллари иқтисодий шароитимиз бирмунча мураккаб эди. Энг олис мамлакатлардан хатто, Канададек совуқ ўлкалардан қиммат нархда бугдой сотиб олардик. Президентимизнинг бевосита кўрсатмалари билан мактабларда нонушта ташкил қилинди. Вой ўша кунлари болаларнинг қувонганлари, ота-оналарнинг мамнун бўлганлари!

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар сайловини ўтказувчи куйдаги сайлов округлари тузилсин:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

77-Ангрэн сайлов округи

Маркази: Ангрэн шаҳар молия бўлими биноси
Ангрэн шаҳар тўлиқ, Оҳангарон туманининг "Увак", "Курама", "Телов", "Сусам" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (154,3).

78-Бекобод сайлов округи

Маркази: Бекобод тумани марказий маданият уйи биноси

Бекобод шаҳар тўлиқ, Бекобод туманининг Зафар шаҳарчаси, "Киёт", "Бекобод", "Меҳнатобод", "Янгиқўрғон", "Гулистон", "Маданият", "Жумабозор", "Далаварзин" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда "Зарафшон" кишлоқ фуқаролар йиғинининг Бешоз, Фарход, Боғишамол, Боғистон кишлоқлари ҳудудлари чегараларида (144,9).

79-Бўка сайлов округи

Маркази: Бўка тумани маънавий хизмат касб-хунар коллежи биноси
Бўка тумани тўлиқ, Бекобод туманининг "Янги ҳаёт", "Чанок", "Баҳористон" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ва "Зарафшон" кишлоқ фуқаролар йиғинининг Сарюз кишлоғи ҳудудлари, Пискент туманининг "Оқтепа", "Саид", "Дўнгқўрғон", "Муротали", "Кориз", "Келовчи" кишлоқ

фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (142,4).

80-Бўстонлик сайлов округи

Маркази: Ғазалкент шаҳар маданият саройи биноси

Бўстонлик тумани тўлиқ, Юқори Чирчиқ туманининг "Саксонота", "Истиклол", "Тинчлик", "Бордонқўл" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (146,1).

81-Зангиота сайлов округи

Маркази: Зангиота тумани, Эшонгузар маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси
Зангиота туманининг "Эшонгузар" кўргони фуқаролар йиғини, "Чигатой-Оқтепа", "Туркистон", "Назарбек", "Қатортол", "Ўзғариш", "Хонобод", "Зангиота", "Эркин", "Қизғалдоқ", "Масалбой", "Кўксарой" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (149,7).

82-Олмалик сайлов округи

Маркази: Олмалик шаҳар "Кимёгар" маданият саройи биноси

Олмалик шаҳар тўлиқ, Оҳангарон туманининг "Дўстлик", "Озодлик", "Бирлик", "Қорахитой" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари че-

гараларида (135,5).

83-Паркент сайлов округи

Маркази: Паркент тумани халқ таълими бўлими биноси

Паркент тумани тўлиқ, Юқори Чирчиқ туманининг "Янгибозор" кўргони фуқаролар йиғини, "Оқовул", "Сурканкент", "Наврўз", "Жамбул", "Арганча" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (146,0).

84-Тўйтепа сайлов округи

Маркази: Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи биноси

Ўрта Чирчиқ тумани тўлиқ, Пискент туманининг Пискент шаҳар ҳудудидаги Ўзбекистон, Навоий, Ойбек, Митан, Мўминобод, Бекобод, Майлобод, Бирлик, Лолаарқ маҳаллалар ҳудудлари чегараларида (145,0).

85-Чиноз сайлов округи

Маркази: Чиноз тумани молия бўлими биноси
Чиноз тумани тўлиқ, Янгийўл туманининг "Ковунчи", "Шўралисой", "Халқобод" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (133,8).

86-Чирчиқ сайлов округи

Маркази: Чирчиқ шаҳар "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамиятига қарашли маданият саройи биноси

Чирчиқ шаҳар тўлиқ, Қибрай туманининг Қибрай ша-

ҳарча фуқаролар йиғини ва "Байтқўрғон", "Оққовоқ", "Май" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (154,1).

87-Қибрай сайлов округи

Маркази: Тошкент давлат аграр университети биноси

Қибрай туманининг "Салар" шаҳарча фуқаролар йиғини ва "Ўққўрғон", "Енарик", "Матқобулов", "Янгибод", "Тузель", "Чинобод", "Қипчоқ" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, Зангиота туманининг Келес шаҳарчаси ва "Юнусобод", "Чоштепа", "Гулистон", "Ҳасанбой", "Қўкте-рак", "Чувалачи" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (169,7).

88-Янгийўл сайлов округи

Маркази: Янгийўл технология иқтисодий коллежи биноси

Янгийўл туманининг А. Ор-тиқов, У. Мусаев, "Ниезбош", "Навбахор", "Қўшғоч", "Гулбахор", "Бўзсув" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, Зангиота туманининг "Бўзсув", "Ўртаовул" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (152,6).

89-Дўстобод сайлов округи

Маркази: Қуйи Чирчиқ курилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик касб-хунар коллежи биноси

Қуйи Чирчиқ тумани, Оқ-кўрган тумани ҳудудлари чегараларида (134,7).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 2 октябрь.

* Қавслар ичида ҳар бир округ бўйича сайловчилар сони кўрсатилган (минг киши)

Тошкент вилояти сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-, 11-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари куйидаги тартибда тузилсин:

1-"Ангрен" сайлов округи

Маркази – Ангрен шаҳри
Эшлар маданият маркази биноси
Худудий чегараси: Ангрен шаҳрининг бир қисми. Охангарон ва А. Навоий кўчалари чорраҳаси бўйлаб А. Навоий кўчасининг ўнг томони, Охангарон кўчасининг юқори томони, Янгиобод шаҳри, Дукент кўрғони, Аппарат, Богисурх, Янги Богисурх, Беруний, У. Юсупов, Навбахор, Улғабек, Кўктерак, Мустақиллик маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 31215.

2-"Талабалар" сайлов округи

Маркази – Ангрен шаҳри
Майнинг хизмат касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Ангрен шаҳрининг бир қисми. А. Навоий ва Амир Темур кўчалари ораллидаги Охангарон кўчасининг юқори томонидаги аҳоли пунктлари, Қорабоғ, Қатагон, Наврўз-1, Наврўз-2 маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 32021.

3-"Нурчи" сайлов округи

Маркази – Ангрен тиббиёт коллежи биноси
Худудий чегараси: Ангрен шаҳрининг бир қисми. Охангарон ва Қорабоғ кўчалари чорраҳаси бўйлаб Охангарон кўчасининг юқори томони, Амир Темур кўчасининг чап томони, Чигирчи, Толбулак шаҳарчаси, Соғлом, Самарчук, Янги ҳаёт, Майдон маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 26517.

4-"Кончи" сайлов округи

Маркази – Ангрен кўмир санвати касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Ангрен шаҳрининг бир қисми. Охангарон кўчасининг паст қисмида жойлашган Жигаристон, Чиниобод, 8-март, Нурчи, Грум, Ф. Гулом маҳаллалари, Хакарман-Янги Жигаристон, Янги Гўшой, Дўстлик, Гулбоғ, Лашкарек, Нишбош, Геолог, Облик маҳаллалари, 5/4-дахасиди 2-4, 6-9, 12-16-йилар, компьютер ва ахборот технология касб-хунар коллежи ётоқхонаси, 5/2 дахаси, Нуробод кўрғони.

Сайловчилар сони – 31039.

5-"Металлур" сайлов округи

Маркази – Бекобод шаҳри
2-сонли умумтаълим мактаби биноси
Худудий чегараси: Бекобод шаҳрининг бир қисми. Жомий, Бунёдор, Сайхун, Ўзбекистон, Мўқимий, Металлур, Дўстлик, Ёшлик, Пахтакор, Янги ҳаёт, Боғишамол, Фаргона, Бобур, Андижон, Ширин, Нури йўл, Обод турмуш, Мустақиллик, Сирдарё маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 30569.

6-"Фарҳон" сайлов округи

Маркази – Бекобод шаҳри
3-сонли умумтаълим мактаби биноси
Худудий чегараси: Бекобод шаҳрининг бир қисми. Ҳ. Олимжон, Тараққиёт, Фарҳод, Истиклол, Цементчи, Наврўз, Навоий, Бирдамлик, Маърифат, Булоқарик, Тинчлик, Ал-Хоразмий, Қосим ота Фармондов, Маданият, Туркистон, Самарқанд маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 31621.

7-"Наврўз" сайлов округи

Маркази – Олмалик шаҳри
"Олмаликшаҳаргаз" идораси биноси
Худудий чегараси: Олмалик шаҳрининг бир қисми. Рамазон, Тинчлик, Наврўз, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Олмаликовул, Олтин, Муқимий, Чамбил, Қалмоққир, Зарбулоқ, Фурақат, Бобур, Камалак, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Коинот маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 28721.

8-"Олмалик" сайлов округи

Маркази – Олмалик шаҳри
"Металлур" маданият саройи биноси
Худудий чегараси: Олмалик шаҳрининг бир қисми. Олмалик-сой, Терекли, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Юлдуз, Мустақиллик, Ўзбекистон, Гултепа, Дўстлик, Намуна, Мирзо Улғабек, Алишер Навоий, Саховат, Махмудқўжа Бехбудий маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 25256.

9-"Кимёгар" сайлов округи

Маркази – Олмалик шаҳри
"Кимёгар" маданият саройи биноси
Худудий чегараси: Олмалик шаҳрининг бир қисми. Кўрпассой, Сўфий Оллоёв, Бўстон, Ойдин, Ҳамза, Увайсий, Чўлпон, Кимёгар, Тошкент, Ибн Сино, Янги ҳаёт, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Авлоний маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 30049.

10-"Чирчиқ" сайлов округи

Маркази – Чирчиқ шаҳри
Олимпия заҳиралари коллежи биноси
Худудий чегараси: Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. Оққовоқ, Гулзор, А. Навоий, Х. Мақсудов маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 26758.

11-"Саноатчилар" сайлов округи

Маркази – Чирчиқ саноат-иктисодий касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. 10-кичик ноҳия, 9-кичик ноҳия, 8-кичик ноҳия, Кимёгарлар кўрғони, А. Навоий, шаҳар марказий истироҳат боғи худудлари.

Сайловчилар сони – 27450.

12-"Кимёгарлар" сайлов округи

Маркази – Чирчиқ шаҳар Офисерлар уйи биноси
Худудий чегараси: Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. Чирчиқ шаҳри А. Навоий, шаҳар марказий истироҳат боғи, 39, 40-маҳаллалари, Аранча худудлари.

Сайловчилар сони – 32485.

14-"Бекобод" сайлов округи

Маркази – Бекобод тумани кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Бекобод туманининг бир қисми. Янги кўрғон, Қиёт, Бекобод, Меҳнатобод кишлоқлари ва Гулистон кишлоғининг Исфара, Ўрикзор, Кўрғон маҳаллалари, Сўтбулоқ кишлоғи.

Сайловчилар сони – 35950.

15-"Зафар" сайлов округи

Маркази – Зафар кўрғони
Бекобод тумани педагогика коллежи биноси
Худудий чегараси: Бекобод туманининг бир қисми. Зафар кўрғони, Жумабозор, Маданият кишлоқлари ва Гулистон кишлоғининг Терақдор, Гулзор, Малалой, Назарбой аҳоли пунктлари, Далварзин кишлоғининг Каналобод, Каттасой аҳоли пунктлари.

Сайловчилар сони – 30804.

16-"Далварзин" сайлов округи

Маркази – Бекобод тумани Далварзин кишлоқ фуқаролар йиғини
11-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Бекобод туманининг бир қисми. Зарафшон кишлоғи, Янги ҳаёт, Чанок, Бахористон кишлоқлари, Далварзин кишлоғининг Зийли, Тожикистон, Ширинбулоқ, Қатортол, Янгиобод, Токатор, Марҳамат кишлоқлари, Янгибозор кишлоғи завод кўчасининг чап томони, Янгибозор кишлоғи завод кўчасининг ўнг томони, Далварзин таъмирлаш заводи худуди, Чорвадор кишлоғи, Қорадархат, Тожик маҳалла, Пахтазор, Қўшбарок, Охунов, Қамар кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 31723.

17-"Бўқа" сайлов округи

Маркази – Бўқа тумани халқ таълими бўлими биноси
Худудий чегараси: Бўқа туманининг бир қисми. Бўқа шаҳри, Қўштепа, Чигатой, Қорақўйли кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 39631.

18-"Бўстон" сайлов округи

Маркази – Бўқа тумани "Бўстон" кишлоқ фуқаролар йиғини идораси биноси
Худудий чегараси: Бўқа туманининг бир қисми. Турон, Намуна, Бўстон, Қўқорол, Равот кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 39562.

19-"Ғазалкент" сайлов округи

Маркази – Бўстонлик тумани маданият ва спорт ишлари бўлими биноси
Худудий чегараси: Бўстонлик туманининг бир қисми. Ғазалкент шаҳри, Қораманас, Қўшқўрғон, Янгиовул, Думалоқ кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 37925.

20-"Искандар" сайлов округи

Маркази – Бўстонлик тумани Искандар кўрғон фуқаролар йиғини маъмурий биноси
Худудий чегараси: Бўстонлик туманининг бир қисми. Искандар кўрғони, Озодбош, Парғос, Хондойлик, Соилқ, Ғазалкент кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 35009.

21-"Чорбоғ" сайлов округи

Маркази – Бўстонлик тумани Чорбоғ энергетика касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Бўстонлик туманининг бир қисми. Чорбоғ кўрғони, Хўжақент, Хумсон, Чимбойлик, Сижак, Чимён, Бўстонлик, Богистон, Жаҳонбод ва Дабодов номи кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 37769.

22-"Назарбек" сайлов округи

Маркази – Зангиота тумани агросаноат касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Чигатой-Оқтепа, Туркистон кишлоқлари ва Назарбек кишлоғининг Алоқа, М. Хоразмий, Назарбек, Наврўз, Навбахор, М. Мусаев маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 33859.

23-"Эшонгузар" сайлов округи

Маркази – Зангиота туманидаги 45-умумтаълим мактаби биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Эшонгузар кўрғони, Қатортол, Бўзсув кишлоқлари ва Назарбек кишлоғининг Найман-Ғиштиллар, Бешкўрғон, Ҳаракат маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 34741.

24-"Ўзғариш" сайлов округи

Маркази – Зангиота тумани "Ўзғариш-СадафАгро" ММТП маъмурий биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Ўзғариш, Хонобод кишлоқлари ва Зангиота кишлоғининг А. Мирқомиллов, Ўрта, А. Шоракмодов, Хўжамозор маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 36331.

25-"Ўртаовул" сайлов округи

Маркази – Зангиота озиқ-овқат касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Ўртаовул, Эркин кишлоқлари ва Зангиота кишлоғининг Эски қалъа, Сортепа ва Боғзор маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 31275.

26-"Юнусов" сайлов округи

Маркази – Зангиота тумани ижтимоий-иктисодий касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Юнусов, Чоштепа, Гулистон, Ҳасанбой кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34004.

27-"Келес" сайлов округи

Маркази – Келес шаҳри туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Келес шаҳри, Кўктерак, Чувалачи кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 39860.

28-"Қизғалдоқ" сайлов округи

Маркази – Зангиота тумани 56-умумтаълим мактаби биноси
Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми. Қизғалдоқ, Қўқсарой, Масалбой кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 40000.

29-"Ўнқўрғон" сайлов округи

Маркази – Қибрай тумани Ўнқўрғон кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси
Худудий чегараси: Қибрай туманининг бир қисми. Салор кўрғони, Ўнқўрғон кишлоғи.

Сайловчилар сони – 34346.

30-"Чинобод" сайлов округи

Маркази – Қибрай тумани Чинобод кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси
Худудий чегараси: Қибрай туманининг бир қисми. Ёнарик, Чинобод ва Зафаробод кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 31588.

31-"Янгиобод" сайлов округи

Маркази – Қибрай тумани Янгиобод кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси

Худудий чегараси: Қибрай туманининг бир қисми. Ёнарик, Чинобод ва Зафаробод кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 31063.

32-"Байтқўрғон" сайлов округи

Маркази – Қибрай тумани Байтқўрғон кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси

Худудий чегараси: Қибрай туманининг бир қисми. Кибрай шаҳарчаси, Байтқўрғон, Оққовоқ ва Киплоқ кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34611.

33-"Дўстобод" сайлов округи

Маркази – Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи биноси

Худудий чегараси: Куйи Чирчиқ туманининг бир қисми. Дўстобод шаҳри, Қўрғонча, Гул, Майдонтоқ, Кетмонтепа кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 35672.

34-"Ўзбекистон" сайлов округи

Маркази – Куйи Чирчиқ тумани Ўзбекистон ҚФЙ "Пахтазор" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси
Худудий чегараси: Куйи Чирчиқ туманининг бир қисми. Ўзбекистон, Янги ҳаёт, Истиклол, Тош-овул ва Тошлоқ кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 32874.

35-"Олимпик" сайлов округи

Маркази – Оққўрғон тумани, Олимпик кўрғони, 3-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Оққўрғон туманининг бир қисми. Оққўрғон, Зафар, Ойтмғали, Элтамғали, Дўстлик, Шоҳруҳия кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34025.

37-"Қорахитой" сайлов округи

Маркази – Охангарон тумани 12-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Охангарон туманининг бир қисми. Қорахитой, Увак, Дўстлик, Озодлик кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 29845.

38-"Телов" сайлов округи

Маркази – Охангарон тумани 38-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Охангарон туманининг бир қисми. Телов, Бирлик, Сусам, Қурама кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 32739.

39-"Охангарон" сайлов округи

Маркази – Охангарон тумани болалар мусика ва санъат мактаби биноси
Худудий чегараси: Охангарон шаҳри. Адолат, Бахт, Бирлик, Ватан, Гулистон, Дўстлик, Ёшлик, Илок, Кўрғон, Мустақиллик, Навбахор, Намуна, Орау, Охунбобов, Умид, Хонобод, Шодлик, Янгилик, Янгиобод, Бўстон маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 22340.

40-"Паркент" сайлов округи

Маркази – Паркент тумани, Ичкикўрғон кўчаси, 5-уй.
Худудий чегараси: Паркент шаҳри.

Сайловчилар сони – 33565.

41-"Бойқозон" сайлов округи

Маркази – Паркент тумани 31-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Паркент туманининг бир қисми. Паркент, Чанги, Хисарак, Бўстон, Қорақалпоқ кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 33046.

42-"Заркент" сайлов округи

Маркази – Паркент тумани ижтимоий-иктисодий касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Паркент туманининг бир қисми. Заркент, Сўқоқ, Бошқизилсой, Намданак кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 28103.

43-"Пискент" сайлов округи

Маркази – Пискент агросаноат ва иктисодиёт касб-хунар коллежи биноси
Худудий чегараси: Пискент туманининг бир қисми. Пискент шаҳри, Оқтепа, Саид кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34785.

44-"Қориз" сайлов округи

Маркази – Пискент тумани 28-сонли мактаб биноси
Худудий чегараси: Пискент туманининг бир қисми. Қориз, Саид, Келовчи, Муротали, Дўнқўрғон кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 30799.

45-"Қумовул" сайлов округи

Маркази – Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси

Худудий чегараси: Ўрта Чирчиқ туманининг бир қисми. Қумовул, Оқота, Ўртасарой, Юнғич-қоли кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 31063.

46-"Қорасу" сайлов округи

Маркази – Ўрта Чирчиқ тумани Қорасу кишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси

Худудий чегараси: Ўрта Чирчиқ туманининг бир қисми. Пахтакор, Қорасу, Навоий, Дўстлик кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 33743.

47-"Тўйтепа" сайлов округи

Маркази – Ўрта Чирчиқ тумани 4-умумтаълим мактаби биноси

Худудий чегараси: Ўрта Чирчиқ туманининг бир қисми. Тўйтепа шаҳри, Янги турмуш, Пахтаобод кишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34774.

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2014 йил 2 октябрь.

У. АБДУШОХИДОВ.

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очик ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари гоёт муҳим ўрин тутди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси қоидалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёнини кенг ёритиб бориши зарур.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбеки

